

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 26/26.01.2023.Т.109.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ УНИВЕРСИТЕТИ**

УРОКОВ ОЛИМ АБДИҒОФИРОВИЧ

**ДОИМИЙ СУНЪИЙ ЙЎЛДОШЛИ ДАВЛАТ ГЕОДЕЗИК
ТАРМОҚЛАРИНИНГ АНИҚЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА ЎЛЧАШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (Самарқанд вилояти
мисолида)**

11.00.06 – Геодезия. Картография

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд- 2025

УДК: 528.31:027(004.92)(528.061.3)

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences

Уроков Олим Абдиғофирович

Доимий сунъий йўлдошли давлат геодезик тармоқларининг аниқлигини
баҳолаш ва ўлчаш усулларини такомиллаштириш (*Самарқанд вилояти
мисолида*)

3

Уроков Олим Абдиғофирович

Совершенствование методов измерения и оценка точности действующих
спутниковой государственных геодезических сетей (*на примере
Самаркандской области*)

21

Urokov Olim Abdigofirovich

Improving measurement methods and evaluating the accuracy of existing
satellite state geodetic networks (*on the example of the Samarkand region*)
.....

39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

43

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 26/26.01.2023.Т.109.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ УНИВЕРСИТЕТИ**

УРОКОВ ОЛИМ АБДИҒОФИРОВИЧ

**ДОИМИЙ СУНЪИЙ ЙЎЛДОШЛИ ДАВЛАТ ГЕОДЕЗИК
ТАРМОҚЛАРИНИНГ АНИҚЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА ЎЛЧАШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (Самарқанд вилояти
мисолида)**

11.00.06 – Геодезия. Картография

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд- 2025

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/Т3789 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdaqu.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Суюнов Абдусоли Саматович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Аббасов Субхон Бурхонович
география фанлари доктори, профессор
Абдурахмонов Сарвар Нарзуллаевич
техника фанлари фалсафа доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат техника университети


Диссертация химояси Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети ҳузуридаги PhD.26/26.01.2023.Т.109.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 й. «16» 07 соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140147, Самарқанд ш., Лолазор ко‘часи, 70-уй. Тел.: (0366) 237-15-93; факс: (0366) 237-26-30, e-mail: samdaqu@edu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№258 рақами билан ро‘йхатга олинган). (Манзил: 140147, Самарқанд ш., Лолазор ко‘часи, 70-уй. Тел. (0366) 237-06-06, e-mail: samdaquarm@edu.uz).

Диссертация автореферати 2025-йил “01” 07 кунни тарқатилди.
(2025-йил “01 ” 07 даги 3 рақамли реестр баённомаси).



Д.Ш. Фаилова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси
ўринбосари, ф-м.ф.д., профессор



В.Р. Ниязов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.ф.д. (PhD)

С.Б. Аббасов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ва унинг турли минтақаларида сунъий йўлдош давлат тармоқларини ривожлантириш, уларни картографик – геодезик таъминлаш сифатини яхшилаш, тизимдаги ахборотларнинг ишончилигини ошириш муносабатларини тартибга солиш ва тубдан такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги кунда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида юқори аниқликдаги картографик – геодезик маълумотлар билан таъминлаш сифатини яхшилаш, тизимдаги ахборотларнинг ишончилигини ошириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада БМТнинг Космосдан тинчлик мақсадларида фойдаланиш қўмитасининг 50-сессиясида “...GNSS технологияси ва географик ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда ҳудудларнинг zilzilалар каби бахтсиз ҳодисалар оқибатларини ҳисобга оладиган деформация моделларини ишлаб чиқиш”¹ зарур эканлиги алоҳида белгиланган. Шунингдек, геодезик ишлар тизимда замонавий технологияларга асосланган GPS/GNSS сунъий йўлдош тизимларини, геоинформацион тизимларни, рақамли ва лазерли-электрон ўлчаш ҳамда ҳисоблаш техника-технологияларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда доимий фаолият кўрсатадиган сунъий йўлдош давлат геодезик тармоқларини яратиш, такомиллаштириш, юқори аниқликдаги геодезик ўлчаш ишларининг тезкор усуллари ва воситаларини қўллашнинг янги илмий-техника ечимларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларига устувор масала сифатида қаралмоқда. Шу жиҳатдан, геодезик тармоқларни модернизация қилиш, объектларнинг координаталарини аниқлашда сунъий йўлдош геодезик усулларида фойдаланиш, халқаро сунъий йўлдошли давлат геодезик тармоқлардан фойдаланиш усулларида қаратилган тадқиқотлар асосида такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда дифференциал сунъий йўлдошли геодезик тармоқларини жойлаштириш, доимий сунъий йўлдошли давлат геодезик тармоқ (CORS) станцияларини лойиҳалаш, давлат геодезик тармоқларини барпо қилишда сунъий йўлдошлар тизимини қўллаш ва геодезик ўлчаш натижаларини мукамаллаштириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, «сунъий йўлдош технологияси орқали масофадан зондлаб аниқлаш ва таъмирлашга замонавий технологияларни жорий этиш»² бўйича вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, давлат геодезик тўрларини барпо қилишда сунъий йўлдошлар тизимини қўллаш, геодезик ўлчаш усулларни тадқиқ қилиш, доимий ишлаб турувчи сунъий йўлдош давлат геодезик тармоқ

¹ https://www.unoosa.org/pdf/reports/ac105/AC105_1022R.pdf

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

аниқлигини баҳолаш ва геодезик ўлчаш усулларни такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 23-ноябрдаги ПҚ-429-сон «Космик тармоқни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2013-йил 25-сентябрдаги ПҚ-2045-сон «Миллий географик ахборот тизимини яратиш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 26-декабрдаги 1022-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро геодезия координата тизимларини қўллаш ва очиқ фойдаланиш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги: Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожлантириш дастурининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишларига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Соҳага оид мавжуд илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, сунъий йўлдошли геодезик тармоғи бўйича маълумотларни тўплаш, юқори аниқликдаги сунъий йўлдош геодезик тармоғида кузатиш усулларини асослаш ва юқори аниқликдаги геодезик ўлчаш ишларидан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш бўйича чет эл олимлари қатори республикамизда ҳам илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бинобарин, доимий фаолият кўрсатадиган сунъий йўлдошли давлат геодезик тармоқларининг аниқлигини ошириш усулларини такомиллаштириш бўйича хорижий олимлардан Hofmann Wellenhof B., Lichtenegger H., Collins J.B., C.Ambrotsius, R.N.Haagmans, Y.E.Vermaat, L.Degbegnon лар томонидан деформация мониторинги учун CORS тармоқлари ва GNSS қабул қилувчиларидан фойдаланишда масофа чекловлари бўйича тадқиқот ишлари олиб борганлар. МДҲ давлатлари олимлари В.И.Бойков, О.В.Евстафев, П.С.Закатов, А.П.Герасимов, К.М.Антонович, В.В.Яковлев, А.А.Генике, А.В.Голубев, Л.А.Липатников, Г.Г.Побединский, П.А.Медведов ва бошқалар глобал сунъий йўлдош жойлашишни аниқлаш тизими GPS ва унинг геодезияда қўлланилиши аниқлиги устида назарий ва тажриба тадқиқот ишлари олиб боришган.

Республикамизда сунъий йўлдошли давлат геодезик тармоқларини ривожлантириш, уларни картографик – геодезик таъминлаш ишларини ташкил этиш ва юритишга оид илмий тадқиқотлар И.И.Померанцев, Д.Д.Гедеонов, М.П.Вронченко, Т.М.Абдуллаев, Э.Р.Мирмахмудов, Д.Ш.Фазилова, В.Р.Ниязов, Б.О.Абдумўминов, республика аэрогеодезия маркази Самарқанд вилояти ҳудудий бўлинмаси муҳандиси Д.Ҳусанов ва бошқа маҳаллий олимлар томонидан олиб борилган. Жумладан, давлат

геодезик тармоқлари ва сунъий йўлдош давлат геодезик тармоқларига оид илмий тадқиқотлар олиб борганлар ва ижобий натижаларга эришишган.

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат геодезик тўрларини барпо қилишда сунъий йўлдошлар тизимини қўллаш, геодезик ўлчаш усулларни тадқиқ қилиш, доимий ишлаб турувчи сунъий йўлдош давлат геодезик тармоқ аниқлигини баҳолаш ва геодезик ўлчаш усулларни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли, доимий сунъий йўлдошли давлат геодезик тармоғини барпо этиш ва унинг аниқлигини баҳолаш усулини такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги:

Диссертация тадқиқотлари Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг Европа иттифоқи томонидан эълон қилинган ERASMUS+ дастурининг 585718-EPP-1-2017-1-HUEPPKA2-CVHE-JP «DSinGIS: Геоинформатика соҳасида докторантура» халқаро грант лойиҳаси (15.10.2017-14.10.2020 йй.), «Зарафшон минтақасида жойлашган ДСЙГТ (ёки GNSS) тармоғи пунктларнинг фазовий координаталари аниқлигини баҳолаш» (2019-2024 йй.) мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Самарқанд вилоятида жойлашган доимий ишлаб турувчи сунъий йўлдош давлат геодезик тармоқ аниқлигини баҳолаш ва геодезик ўлчаш усулларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

CORS геодезик тармоқларини лойиҳалашда илғор хорижий тажрибалар ва илмий адабиётлар таҳлили ҳамда Самарқанд вилоятининг табиий-географик хусусиятларини тадқиқ қилиш, CORS станцияларининг оптимал сонини аниқлашнинг аналитик усулини ва график усулини такомиллаштириш;

CORS станцияларини жойлаштиришга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш, Самарқанд худуди рельефининг рақамли моделини (DEM) яратиш, рельефни CORS станцияларини жойлаштиришга таъсирини моделлаштириш ва Самарқанддаги CORS лойиҳаси асосида GNSS ўлчаш дастури ва схемаси ишлаб чиқиш;

GNSS ўлчаш усулларини тадқиқ қилиш, CORS станциялари асосида RTK ва PPP усулларини бирлаштиришнинг асосий афзалликларини таҳлил қилиш ва Самарқанд вилоятида CORS станцияларининг RTK ва PPP учун қўлланилиши;

GNSS ўлчаш натижалари ва ГАТ дастурлари ёрдамида CORS станциялари координаталарининг аниқлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида Самарқанд вилоятида жойлашган доимий ишлаб турувчи сунъий йўлдош давлат геодезик тармоғи олинган.

Тадқиқотнинг предмети доимий сунъий йўлдошли давлат геодезик тармоқ (ДСЙГТ) пунктлари аниқлигини баҳолаш усулини такомиллаштириш ташкил этади.

Тадқиқот усуллари: Тадқиқот жараёнида дала тадқиқотлари, гуруҳлаштириш, аэрокосмик, картографик, масофадан зондлаш, статистик, фазовий таҳлил, математик моделлаштириш, географик таққослаш, замонавий геодезик ва ГАТ дастурлардан фойдаланиб таҳлил қилиш, геовизуаллаштириш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илғор хорижий тажрибалар, илмий адабиётлар ва Самарқанд вилоятининг табиий-географик хусусиятлари асосида CORS станцияларини жойлаштиришнинг оптимал сонини аниқлаш учун аналитик усул такомиллаштирилган ва вилоят худудининг топографик харитаси орқали буфер зоналарга ажратиш асосида график усул ишлаб чиқилган;

ГАТ дастурларидан фойдаланган ҳолда, Самарқанд вилояти худуди рельефининг рақамли модели яратилди ҳамда шу асосда CORS станцияларини максимал аниқлик ва самарадорлигини таъминлаш учун оптимал жойлаштириш схемаси такомиллаштирилган;

Самарқанд вилояти худудида CORS станцияларини жойлаштириш лойиҳаси асосида RTK ва PPP усулларини бир вақтда қўллаш орқали GNSS ўлчаш усулини такомиллаштирилган;

замонавий сунъий йўлдош геодезик ўлчаш технологияси ёрдамида олинган GNSS ўлчаш натижалари ва математик моделлаштириш усули асосида Самарқанд вилоятида яратилган CORS геодезик тармоғининг аниқлиги баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

CORS станцияларни оптимал сонини аниқлаш формуласи такомиллаштирилган, натижада мазкур формуладан фойдаланиб Самарқанд вилояти бўйича CORS станцияларнинг оптимал сонини аниқлади ва мақбул жойлаштириш схемаси ишлаб чиқилди;

Самарқанд вилоятига 26 донга CORS станциялар жойлашуви учун энг мақбул худудлар аниқланиб, Самарқанддаги CORS лойиҳаси асосида GNSS ўлчаш дастури ва схемаси ишлаб чиқилди, CORS станцияларнинг жойлашув лойиҳаси такомиллаштирилди;

дала тадқиқотлари натижаси таққосланиб, давлат сунъий йўлдошли геодезик тармоқ аниқлигини баҳолаш усули ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг очик маълумотлар порталида жойлашган барча вазирлик ва идораларнинг очик маълумотлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Республика аэрогеодезия маркази Самарқанд худудлараро бўлинмаси, Самарқанд вилояти «SAMGEODEZIST» MChJ корхонасининг очик рақамли материалларидан, шунингдек, муаллифнинг тадқиқот доирасидаги тажриба-синовлари хулосаларидан фойдаланилганлиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти доимий сунъий йўлдошли давлат геодезик тармоқларини лойиҳалашда CORS станцияларининг оптимал сонини аналитик усулда аниқлаш формуласига рельефнинг мураккаблик коэффициенти, техник инфратузилмалар ва аҳоли зичлиги коэффициентларни ишлаб чиқиш ва киритиш орқали такомиллаштириш, ГАТ дан фойдаланиб, буфер зоналарга ажратиш орқали график усули такомиллаштирилганлиги асосида методикани асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация натижасида олинган илмий хулоса ва тавсиялар ҳамда CORS станцияларни мақбул жойлаштириш схемаси ишлаб чиқилганлиги, давлат сунъий йўлдошли геодезик тармоқ аниқлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Доимий фаолият кўрсатадиган сунъий йўлдошли давлат геодезик тармоқларининг аниқлигини баҳолаш усулини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

- илғор хорижий тажрибалар, илмий адабиётлар ва Самарқанд вилоятининг табиий-географик хусусиятлари асосида CORS станцияларини жойлаштиришнинг оптимал сонини аниқлаш учун аналитик усул такомиллаштирилди ва вилоят ҳудудини топографик харитаси орқали буфер зоналарга ажратиш асосида график усул ишлаб чиқилган илмий натижа Республика аэрогеодезия маркази Самарқанд ҳудудлараро бўлинмаси амалиётига жорий қилинди (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия Вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2024 йил 30 ноябрдаги 05/08-11533-сонли маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган аналитик ва график усуллардан фойдаланиб, Самарқанд вилояти учун CORS станцияларининг оптимал сони ва жойлашуви аниқланди, шунингдек CORS станциялари тармоғини Самарқанд вилоятида самарали ва юқори сифатли тармоқ сифатида ривожлантириш имконияти пайдо бўлган;

- ГАТ дастурларидан фойдаланган ҳолда, Самарқанд вилояти ҳудуди рельефининг рақамли модели яратилди ва шу асосда CORS станцияларини максимал аниқлик ва самарадорлигини таъминлаш учун оптимал жойлаштириш схемаси такомиллаштирилган, олинган натижаларни Республика аэрогеодезия маркази Самарқанд ҳудудлараро бўлинмаси амалиётига жорий қилинди (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия Вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2024 йил 30 ноябрдаги 05/08-11533-сонли маълумотномаси). Натижада, Самарқанд вилояти ҳудудининг рақамли рельеф модели ишлаб чиқилган ва CORS станцияларининг жойлашув схемаси орқали ҳудудда сифатли, аниқ ва узлуксиз қамровни таъминловчи CORS тармоғи яратилди. Рельефни инобатга олган ҳолда ҳар бир станциянинг оптимал жойлашуви аниқланди ва сигнал сифатини ошириш имконияти яратилган. Шунингдек, Самарқанд вилояти ҳудудидаги CORS геодезик тармоқ пунктлари координаталарининг аниқлигини 3 – 5% га ошириш имконини яратган;

- Самарқанд вилояти ҳудудида CORS станцияларини жойлаштириш лойиҳаси асосида RTK ва PPP усулларини бир вақтда қўллаш орқали GNSS ўлчаш усулини такомиллаштирилган илмий янгилик Республика аэрогеодезия маркази Самарқанд ҳудудлараро бўлинмаси амалиётига жорий қилинди (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия Вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2024 йил 30 ноябрдаги 05/08-11533-сонли маълумотномаси). Натижада, CORS станцияларини жойлаштириш лойиҳаси асосида RTK ва PPP усулларини бир вақтда қўллаш, Самарқанд вилояти каби мураккаб топографик ҳудудларда GNSS ўлчашларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу ёндашув икки усулнинг афзалликларини бирлаштириб, юқори аниқлик, кенг қамров ва иш самарадорлигини ошириш имконини беради;

- замонавий сунъий йўлдош геодезик ўлчаш технологияси ёрдамида олинган GNSS ўлчаш натижалари ва математик моделлаштириш усули асосида Самарқанд вилоятида яратилган CORS геодезик тармоғининг аниқлигини баҳолаш усули ишлаб чиқилган илмий янгилик Республика аэрогеодезия маркази Самарқанд ҳудудлараро бўлинмаси амалиётига жорий қилинди (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия Вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг 2024 йил 30 ноябрдаги 05/08-11533-сонли маълумотномаси). Натижада, сунъий йўлдош сигналлари ва топографик маълумотлардан фойдаланган ҳолда станцияларнинг координаталаридаги хатоларни минималлаштириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий – амалий анжуманларда, жумладан, 1 та DGU, 3 та халқаро ва 2 та Республика илмий – амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши: Тадқиқот натижалари бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан 7 та илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган журналларида, жумладан 4 та Республика ва 3 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.

Кириш қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари кенг очиб берилиб, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр этилган

илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Доимий сунъий йўлдошли геодезик тармоқларни тадқиқ этиш ва лойиҳалашнинг илмий-методологик асослари**” деб номланган биринчи бобида дифференциал сунъий йўлдошли геодезик тармоқларини тадқиқ этишнинг назарий масалалари, CORS геодезик тармоқларини лойиҳалашда илғор хорижий тажрибалар ва Ўзбекистон Республикасида давлат геодезик тармоқларини барпо этишнинг назарий услубий асослари тадқиқ қилинди. Шунингдек, CORS станцияларининг оптимал сонини аниқлашнинг аналитик усули ва Самарқанд вилоятининг топографик харитаси орқали буфер зоналарга ажратишга асосланган график усулни ишлаб чиқиш бўйича илмий - тадқиқот олиб борилди ва илмий асосланди.

Илмий – техник манбалар, дала тадқиқотлари, картографик материаллар асосида дифференциал сунъий йўлдош геодезик тармоқларини лойиҳалашнинг илғор хорижий тажрибалари ва илмий адабиётлар тадқиқ қилинди. Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида давлат геодезик тармоқларини GNSS қурилмаси ёрдамида барпо этишнинг назарий услубий асосларини ўрганиш давомида мамлакатимизда мавжуд геодезик тармоқлар турлари, қўлланиладиган координаталар системалари, шунингдек уларнинг ҳозирги ҳолати ҳамда ўлчаш аниқликлари атрофлича таҳлил қилинди.

Дастлаб, Ўзбекистон ҳудудида жойлашган РГП (референц геодезик пункт (РГП)) ва ДСГТ-0 (давлат сунъий йўлдош геодезик тармоғи 0 – синф (ДСГС-0)) тармоқларининг жойлашув схемаси тадқиқ қилинди. Унга кўра Республика ҳудудида жами 5 та РГП пунктлари (Китоб (Қашқадарё), Ургенч (Хива), Джарқўрғон (Термез), Тошкент, Фарғона) ўрнатилган. Шунингдек, 15 та ДСГТ-0 пунктлари (Сарикамиш, Кес Булак, Сулома, Кунгират, Чорток Дала, Мингбулак, Бархан (Марат), Дангилата, Акбута, Кермене, Янгикишлак, Даштабат, Карамазар, Сарик жар ва Андижан) ўрнатилган. Ундан ташқари Ўзбекистон бўйича ўртача ҳар 80 км масофада битта пункт, жами 50 та ДСГТ-1 (давлат сунъий йўлдош геодезик тармоғи 1 – синф (ДСГС-1)) тармоғининг CORS станциялари ўрнатилган. Жумладан, Самарқанд вилояти ҳудудида жами 3 та CORS станциялари (SAMD (Самарқанд шаҳри), ISTD (Иштихон тумани) ва AKTD (Оқтош тумани)) жойлашган (диссертацияда 1.3-параграфда расм келтирилган).

Юқорида келтирилган маълумотлар ҳамда жойларда олиб борилган геодезик ўлчашлари ҳамда илмий-тадқиқот ишлари натижасига асосан CORS станцияларнинг ҳозирги ҳолати ва аниқликлари таҳлил қилинганида Самарқанд вилояти ҳудудида жойлашган 3 та CORS станцияларининг (SAMD (Самарқанд шаҳри), ISTD (Иштихон тумани) ва AKTD (Оқтош тумани)) вилоят ҳудудининг ҳамма жойида ҳам DOP (dilution of precision (DOP)) қиймати аниқлиги юқори эмаслиги кузатилди. Шунинг учун CORS станциялари сонини янада кўпайтириш кераклиги таъкидланди. Бунинг учун Самарқанд вилоятининг умумий ер майдони юзаси аниқланди. Унга кўра

вилоятнинг умумий ер майдонининг топографик юзаси 16,8 минг км² ни ташкил этади. Ушбу майдон учун ўрнатиладиган CORS станцияларининг оптимал сони аналитик усулида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$N = \frac{A}{\pi r^2} \quad (1)$$

бу ерда: N – талаб қилинадиган станциялар сони; A – умумий ҳудуд (км²); r – бир CORS станциясининг қамров радиуси.

$$A = L \cdot W \text{ ва } r = R - O \quad (2)$$

бу ерда: L - ҳудуд узунлиги; W - ҳудуд эни; R – ҳар бир станциянинг қамров радиуси; O – станциялар орасидаги қопланиш масофаси.

(1) ва (2) формулаларни бирлаштирсак (1) формулани қуйидагича ифодаланиш мумкин:

$$N = \frac{(L \cdot W)}{\pi \cdot (R - O)^2} \quad (3)$$

бу ерда: N - станциялар сони; L - ҳудуд узунлиги; W - ҳудуд эни; R - битта станциянинг иш майдони радиуси (максимум 80-100 км); O -станциялар орасидаги ишчи зоналарнинг бир-бирини қоплаши. Юқорида келтирилган аналитик формулада ҳудуд рельефининг мураккаблиги, инфратузилма талаблари (Аэропортлар, йирик саноат корхоналари, йўллар, бино ва иншоотлар ва ҳ.к.) эътиборга олинмаганлиги сабабли CORS станцияларининг оптимал сонини аниқлашнинг аналитик усули формуласи қуйидагича такомиллаштирилди:


$$N_{opt} = \frac{L \cdot W}{\pi \cdot (R_{эфф} - O_{opt})^2} \cdot K_r \cdot K_i \cdot K_t \quad (4)$$

бу ерда: L ва W — ҳудуднинг узунлиги ва кенглиги; K_i — аҳоли зичлиги коэффиценти, ҳудуднинг қайси қисмида станцияларга кўпроқ эҳтиёж борлигини кўрсатади; $R_{эфф}$ — ҳар бир станциянинг самарали қамров радиуси, бу оддий қамров радиусидан фарқ қилиб, ҳақиқий қамровни ҳисобга олади; O_{opt} — станциялар орасидаги ўзаро қопланиш масофаси, бу қопланиш зонасининг қанчалик кенглигини кўрсатади; K_r — рельеф мураккаблиги коэффиценти, ҳудуднинг тоғли ёки текислик бўлишини ҳисобга олади ва станцияларнинг қамровига таъсир этади.

Такомиллаштирилган формуладан (4) фойланилганидан формулага (3) нисбатан, ҳудудни тўлиқ ва самарали қамраб олиш учун CORS станцияларнинг оптимал сонини янада аниқ ҳисоблаш имкони яратилади. Шунингдек, CORS станцияларнинг оптимал сонини аниқлашнинг график усулини такомиллаштириш учун 4 босқичда ишлар амалга оширилди:


1-босқичда – Самарқанд вилояти ҳудудининг топографик картаси олиниб, ҳар бири 60км × 60км квадрат катаклар ҳосил қилинди;

2-босқичда – Самарқанд вилояти ҳудудининг топографик картаси орқали ҳудуднинг жойлашув схемасидан келиб чиқиб, буфер зоналарга ажратилди (1-расм). Бунда, вилоят ҳудудининг шимолий қисмига 1 та, шарқий қисмига 1 та, ғарбий қисмига 1 та ва марказий қисмига 1 та, жами бўлиб, 4 та катаклар жойлаштирилди (1-расм a, b, c, d).




1-расм. Самарқанд вилояти ҳудудини буфер зоналарга ажратиш схемаси

3-босқичда – 60км×60км квадрат катакларни ҳар бирини 4 га бўлиб олинди, яъни 4 марта катталаштирилди ва Самарқанд вилояти ҳудудининг буфер зоналарига жойлаштирилди (2-расм, *a, b, c, d*);



2-расм. Самарқанд вилояти ҳудудидаги буфер зоналарни 4 марта катталаштириш схемаси

4-босқичда – Самарқанд вилояти ҳудудининг 4 марта катталаштирилган буфер зоналари ичига CORS станцияларининг қамров радиуси масофаси 30 км ва қопламаси 5 км га тенг доиралар жойлаштирилди (3-расм, *a, b, c*).



3-расм. Самарқанд ҳудудини буфер зоналари схемаси

Шунингдек, Самарқанд вилояти ҳудуди рельефининг мураккаблиги, инфратузилмалари (аэропортлар, йирик саноат корхоналари, йўллар, бино ва иншоотлар ва ҳ.к.) зичлигини эътиборга олган ҳолда яна қўшимча зоналарга ажратилганлиги сабабли CORS станцияларининг опатимал сони 22 тани ташкил этди.


Диссертацияда сунъий йўлдош технологиялари, Самарқанд вилояти худудининг топографик картаси орқали CORS геодезик тармоғини зичлаштириш учун аналитик ва график усулларда пунктларнинг оптимал сонини аниқлаш услубларини такомиллаштириш схемалари берилган. Ушбу схемага асосан, сунъий йўлдош технологиялари орқали CORS геодезик тармоғини лойиҳалаштиришнинг асосий параметрлари аниқлик, ишончлилик ва тежамкорликдан иборат бўлиб, у тармоқ ўлчашдаги тасодифий хатоларни тарқатиш, модель хатоларини аниқлашда ортиқча ўлчашларнинг хусусиятларини инобатга олиб, керакли вариантни танлаш ва нархини, яъни таянч пунктларини қуриш, ўлчашларни амалга ошириш, ташиш ҳамда бошқаларнинг нархини ифодалаш зарурлиги ушбу бобда таҳлил қилинди.

Диссертациянинг **“Самарқанд вилояти худуди рельефининг рақамли моделидан фойдаланиб доимий сунъий йўлдошли давлат геодезик тармоғини (CORS станция) лойиҳалаш механизмлари”** деб номланган иккинчи бобида Самарқанд вилоятининг табиий-географик хусусиятларини тадқиқ қилиш, CORS станцияларини жойлаштиришга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш, ГАТ дан фойдаланиб Самарқанд вилояти рельефининг рақамли моделини (DEM) яратиш, Вилоят худуди рельефининг турли параметрларини (баландликлар, қияликлар, тоғ тизмалари) CORS станцияларини жойлаштиришга таъсири лойиҳасини моделлаштириш каби масалалар асосланган.

Тадқиқот давомида Самарқанд вилояти худуди зонасидаги геодезик тармоқларни (CORS станциялари) лойиҳалаш учун Самарқанд вилоят худудининг ўзига хос хусусиятлари, табиий-географик шароитлари ва рельефи тадқиқ қилинди. Самарқанд вилояти худудининг ер юзаси ғарбдан шарққа томон ва марказдан шимолга ҳамда жанубга томон аста-секин кўтарила боради. Самарқанд худудининг абсолют баландлиги ғарбда Пахтакор қўрғони атрофида 340 м, Каттақўрғон шаҳрида 485 м, Самарқанд шаҳрида 695 м ва шарқда Ургут шаҳрида 1000 м атрофида.

CORS станцияларининг самарадорлиги ва аниқлигини таъминлаш учун жойлаштириш жараёнида турли омиллар таҳлил қилинди. жойлаштиришга таъсир қилувчи омиллар (топографик омиллар, географик омиллар, техник омиллар, иклимий ва табиий шароитлар, CORS станциялари жойлаштиришда қонунчилик ва мулкый масалалар, худудий талаблар ва мақсадлар, молиявий ва иқтисодий омиллар) таҳлил қилинди.

Объектлар ва табиат ҳодисаларини ўрганиш, ердан фойдаланиш жараёнларини аниқлаш, табиий муҳитнинг бузилиши, ифлосланиши ва деградацияси билан боғлиқ худудларни тадқиқ қилиш ҳамда геодезик тармоқни (CORS станцияларини) лойиҳалаш ва моделлаштиришда худуднинг юқори сифатли рельефнинг рақамли моделлари зарурлиги талаб қилинади. Ушбу масалани ҳал қилиш мақсадида ГАТ дан фойдаланиб Самарқанд вилояти рельефининг рақамли моделини (DEM) яратилди (4-расм)



4-расм. Самарқанд вилояти рельефининг фазовий модели

Юқорида космик сурат ва ArcGIS дастури ёрдамида Самарқанд вилояти худуди рельефининг 3 ўлчамли модели яратилди. Бунда Рельеф параметрларини таҳлил қилиш учун ГАТ дастурларидан (ArcGIS дастури) фойдаланилди. Бу дастур асосида Самарқанд вилояти худудининг рақамли рельеф моделларини (DEM) яратилди, бу эса CORS станцияларини жойлаштиришни ва радио тўлкининг тарқалишида баландликларнинг таъсирини моделлаштиришга имкон бериши исботланди.

Диссертациянинг “Самарқанд вилояти худудида CORS станцияларини жойлаштириш лойиҳаси асосида GNSS ўлчаш усулларини ишлаб чиқиш” деб номланган учинчи бобида GNSS ўлчаш усулларини таҳлил қилиш, CORS станциялари асосида RTK ва PPP усулларини бирлаштиришнинг асосий афзалликларини таҳлил қилиш, Самарқанд вилоятида CORS станцияларининг RTK ва PPP учун қўлланилиши, Самарқанд вилояти худудидаги CORS станцияларини зичлаштириш лойиҳаси асосида GNSS ўлчаш дастури ва схемаси ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилган.

Тадқиқот давомида илмий – техник, топо-геодезик маълумотларга асосан, GNSS ўлчаш усулларини таҳлил қилинди. CORS станциялари асосида RTK ва PPP усулларини бирлаштиришнинг асосий афзалликлари таҳлил қилинди. Шундан сўнг Самарқанд вилоятида CORS станцияларининг RTK ва PPP учун қўллаш учун вилоят худудида қуйидаги 2 та нуқтада ўлчашлар олиб борилди:

1-нуқта – Ургут туманида янги қурилиши режалаштирилган темир йўл бўлиб, CORS станциялар тармоғининг SAMD станциясига яқин жойлашган бўлиб, референц станциялар орасидаги ўртача масофа тахминан 43 км ни ташкил этган.

2-нуқта – Нуробод тумани Сахоба МФЙ да жойлашган бўлиб, CORS тармоқдаги АКTD станцияга яқин жойлашган бўлиб, референц станциялар орасидаги ўртача масофа тахминан 53 км ни ташкил этган.


Ўлчаш натижалари 4-жадвал ва 5-расмда график маълумотлар асосида келтирилди.

4-жадвал

Турли хато манбалари ва уларнинг зенит йўналишида ўлчанган фазага қандай даражада таъсир кўрсатиш


Хатолик манбаи	Номинал хато (мм)	кичик таъсир (min) 5% (мм)	катта таъсир (max) 95%(мм)
Сунъий йўлдош соатлари хатолиги	0	0	0
Суръий йўлдош орбиталари	0	0	0
Ионосферадаги кечикишлар	7,2	2,0	16,3
Тропосферадаги кечикишлар	6,2	2,1	10,3
Кўптармоқли маҳаллий эффе́ктлар	Ровер	2,0	4,0
	Референц	1,2	1,2
Жами (ЎКХ)	16,6	6,5	31,8

Горизонтал ва вертикал йўналишларда ровер (GNSS қабул қилувчи) позициясининг хатоликлари мазкур хато манбаи ҳамда 2024 йил август ойига тегишли GPS ва GLONASS сунъий йўлдош тизими конфигурацияси асосида статистик моделлаштирилди (хатоликларни тарқалиш таҳлили орқали).



5-расм. Турли хато манбаларининг зенит йўналишидаги таъсирини интерполяцияланган фаза хатоси сифатида келтирилган

CORS станциялар тармоғининг SAMD станциясидан фойдаланиб Ургут туманида янги қурилиши режалаштирилган темир йўл ҳудудида олиб борилган RTK-PPP усулидан фойдаланиб амалга оширилган ўлчашларни тенглаштириш натижалари 6-расмда келтирилган.



6-расм. Самарқанд вилояти Ургут туманида олиб борилган RTK - PPP усуллари бирлашган гибрид усули

6-расм график маълумотлар шаклига эътибор берадиган бўлсак, Самарқанд вилояти Ургут туманида олиб борилган PPP-RTK (гибрид) усули натижаларида хатолик анча камайганлигини ва аниқлик см-мм даражасида эканлигини кўришимиз мумкин.

Ушбу тадқиқотлар давомида PPP-RTK орқали олинadиган позициялаш аниқлиги ўсиб боргани кўзга ташланади: дастлабки тадқиқотларда RTK усулида горизонтал аниқлик 15–20 мм, вертикал аниқлик эса 35–40 мм ($\sigma=1$) даражасида бўлган бўлса, ҳозирги тадқиқотларда PPP-RTK гибрид усули қўлланилганда бу кўрсаткичлар горизонтал бўйича 10–15 мм, вертикал бўйича 20–25 мм даражасига тушган.

Диссертациянинг “GNSS ўлчаш натижалари ва математик моделлаштириш усули асосида Самарқанд вилоятида яратилган CORS геодезик тармоғининг аниқлигини баҳолаш” деб номланган тўртинчи бобида сунъий йўлдош GNSS геодезик ўлчаш натижаларини дастлабки тенглаштириш, CORS станцияларининг координаталарини аниқлаш, ўлчанган микдорларни эллипсоиддан текисликка редуциялаш, Самарқанд вилоятида яратилган CORS геодезик тармоғининг аниқлигини баҳолаш амалга оширилган.


Мақсадли олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Самарқанд вилояти ҳудудида жойлашган ДСЙДГТ 3 та CORS станцияларининг (SAMД, ISHT1 ва AKTD) 3 йиллик маълумотлари (RINEX файллари) олиниб текширилиб, қуйидагилар аниқланди: SAMД CORS пунктида DOP қиймати ўртача 1,97, AKTD пунктида DOP 3,82 ва ISHT1 CORS пунктида эса DOP қиймати ўртача 7,43 экани кузатилди. Меёрий техник ҳужжатларга асосан геодезик ўлчашларда DOP қиймати 3 дан 4 гача рухсат этилган. Бунда GNSS ўлчашларига таъсир қилувчи омиллар ва ушбу ҳудуд ўрганилиб чиқилганда, пункт ўрнатилган жой атрофида, 83 м масофада радиотўлқин алоқа антеннаси ўрнатилганлиги маълум бўлди.

ISHT1 CORS пунктдаги GNSS ўлчашларга кўптармоқли электромагнит, радиотўлқин таъсирини моделлаштирилди, корреляцион ва регрессион таҳлил ўтказилди. Ўтказилган таҳлил натижасига кўра ушбу пунктдаги ноаниқликка ($DOP=7,43$) сабаб радиотўлқин таъсирида эканлиги, корреляцион

боғлиқлик борлиги аниқланди. Демак, хатоларнинг келиб чиқишига энг катта сабаб радиотўлқин таъсири катта эканлиги тасдиқланди.


Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Самарқанд вилоятида жойлашган 3 та CORS станцияларидан (SAMD, ISHT1 ва AKTD) олинган RINEX файл маълумотлари тенглаштирилди. Шунда тенглаштириш натижаларида ISHT1 CORS пункти томонидан олинган GNSS ўлчаш маълумотларида DOP қиймати 7.43 эканлиги аниқланди. Шундан сўнг ушбу пунктда хатоликларни минималлаштириш орқали координатасининг аниқлигини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Самарқанд вилояти Иштихон туманида жойлашган CORS геодезик пункти туман кадастр палатаси жойлашган бинонинг том қисмида жойлашган (7-расм).



7-расм. ДСЙГТ (CORS) пункти (ISHT1) станцияси ўлчашларига радиотўлқин узатиш антенналарининг таъсирини моделлаштириш

Илмий тадқиқот давомида муаллифлар О.А.Уроков, СамДАҚУ доценти, т.ф.ф.д. (PhD) В.Р.Ниязов ва Республика аэрогеодезия маркази Самарқанд ҳудудлараро бўлинмаси геодезия бўлими бошлиғи, муҳандис Д.Хусановлар билан биргаликда ISHT1 CORS пункти координатаси аниқлигини ошириш мақсадида тактик технологик геодезик ўлчаш схемаси ишлаб чиқилди (8-расм.).



8-расм. ISHT1 CORS пункти геодезик ўлчаш схемаси

Бунда ковариацион матрицасининг ўртача қийматлари $\sigma_x = 0,005m$, $\sigma_y = 0,003m$, $\sigma_z = 0,009m$, $PDOP=1,75$, Планли $0,012 m$, Баландлик бўйича $0,097m$ ва $\dot{YKX} 0,0016 m$ эканлиги аниқланди.

Самарқанд вилояти Иштихон тумани ҳудудидаги ISHT1 CORS пункти хатоликлар эллипсларининг маълумотлари катта ярим ўқ $a=0,002$, кичик ярим ўқ $b=0,001$ ва азимунти $A=348^\circ 40' 38''$ ShG' аниқланди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

ХУЛОСА

Доимий фаолият кўрсатадиган сунъий йўлдош давлат геодезик тармоқларининг аниқлигини баҳолаш ва ўлчаш усулларини такомиллаштириш (Самарқанд вилояти мисолида) мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Дифференциал сунъий йўлдошли геодезик тармоқларини тадқиқ этишнинг назарий масалалари, ДСЙДГТ (CORS) тармоқларини лойиҳалашда илғор хорижий тажрибалар ва илмий адабиётлар таҳлил қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида давлат геодезик тармоқларини GNSS қурилмаси ёрдамида барпо этишнинг назарий услубий асослари ҳам тадқиқ қилинди. Натижада Самарқанд вилояти ҳудудида ўрнатилган амалдаги CORS (SAMD, ISHT1, AKTD) станциялари орасидаги масофалар ўртача 80 км ўрнатилганлиги ва жойлашув конфигурацияси ҳам стандарт талаблари даражасида эмаслиги аниқланди. Жумладан, Самарқанд вилоятидаги ушбу CORS станциялари бутун вилоят ҳудудини тўлиқ қамрай олмаслиги ҳамда тармоқни зичлаштириш зарурлиги исботланди;

2. Илғор хорижий тажрибалар, илмий адабиётлар ва Самарқанд вилоятининг табиий-географик хусусиятлари шунингдек, CORS станциялари аниқлигига таъсир қилувчи бир қанча омиллар ўрганилиб чиқилганда, станцияларнинг оптимал сонини аниқлашнинг аналитик усулини такомиллаштириш зарурлиги исботланди.

3. CORS станцияларнинг оптимал сонини аниқлашнинг аналитик усули формуласига қўшимча критериялар кириш ҳамда коэффициентлар ишлаб чиқиш асосида формула такомиллаштирилди. Натижада, Самарқанд вилояти ҳудудининг тўлиқ қопланиши учун CORS станцияларининг оптимал сони аниқланди ва қамров радиусининг аниқлиги ошди;

4. ArcGIS дастуридан фойдаланиб Самарқанд вилоят ҳудудининг топографик харитасини буфер зоналарга ажратиш асосида график усул ишлаб чиқилди. Натижада, ишлаб чиқилган график усулдан фойдаланиб, Самарқанд вилояти учун CORS станцияларининг оптимал сони ва жойлашуви аниқланди, шунингдек CORS станциялари тармоғини Самарқанд вилоятида самарали ва юқори сифатли тармоқ сифатида ривожлантириш имконияти пайдо бўлди;

5. CORS станцияларини жойлаштиришга таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилинди. Жумладан, Самарқанд вилояти ҳудуди рельефининг

хусусиятлари тадқиқ қилинганда, ҳар бир географик хусусият (баландликлар, қияликлар, тоғ тизмалари ва ҳоказо) станциялар учун радиолокация, сигналларни қабул қилиш ва техник хизмат кўрсатиш шароитларига таъсир қилиши мумкинлиги исботланди;

6. ГАТ дан фойдаланиб Самарқанд вилояти рельефининг рақамли 3D модели (DEM) яратилди. Шунингдек, Самарқанд вилояти ҳудуди рельефининг 3D моделидан фойдаланиб, вилоят ҳудуди рельефининг турли параметрларининг (баландликлар, қияликлар, тоғ тизмалари) CORS станцияларини жойлаштиришга таъсири лойиҳаси моделлаштирилди. Шунингдек, Самарқанд вилояти ҳудудидаги CORS геодезик тармоқ пунктлари координаталарининг аниқлигини 3 – 5% га ошириш имконини яратган;

7. Станциялар орасидаги масофанинг қисқалиги сабабли, RTK усулининг аниқлиги горизонтал бўйича 0.02 м (95%), вертикал бўйича эса 0.03 м (95%) даражасида таъминланмоқда. Автоматлаштирилган PPP ва RTK усуллари бирлаштирилганда, бу кўрсаткичлар янада яхшиланиши мумкинлиги исботланди. Дастлабки тадқиқотларда RTK усулида горизонтал аниқлик 15–20 мм, вертикал аниқлик эса 35–40 мм ($\sigma=1$) даражасида бўлган бўлса, ҳозирги тадқиқотларда PPP-RTK гибрид усули қўлланилганда бу кўрсаткичлар горизонтал бўйича 10–15 мм, вертикал бўйича 20–25 мм даражасига тушган.

8. Самарқанд вилояти ҳудудида жойлашган ДСЙДГТ 3 та CORS станцияларининг (SAMD, ISHT1 ва АКTD) 3 йиллик маълумотлари (RINEX файллари) олиниб текширилиб, қуйидагилар аниқланди: SAMD CORS пунктида DOP қиймати ўртача 1,97, АКTD пунктида DOP 3,82 ва ISHT1 CORS пунктида эса DOP қиймати ўртача 7,43 экани кузатилди. Бунда GNSS ўлчашларига таъсир қилувчи омиллар ва ушбу ҳудуд ўрганилиб чиқилганда, пункт ўрнатилган жой атрофида, 83 м масофада радиотўлқин алоқа антеннаси ўрнатилганлиги маълум бўлди.

9. ISHT1 CORS пунктдаги GNSS ўлчашларга кўптармоқли электромагнит, радиотўлқин таъсири моделлаштирилди, корреляцион ва регрессион таҳлил ўтказилди. Ўтказилган таҳлил натижасига кўра, ушбу пунктдаги ноаниқликка (DOP=7,43) сабаб радиотўлқин таъсирида эканлиги, корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланди. Демак, хатоларнинг келиб чиқишига энг катта сабаб радиотўлқин таъсири катта эканлиги тасдиқланди.

10. ISHT1 CORS пункти координатаси аниқлигини ошириш мақсадида, муаллифлар томонидан тактик технологик геодезик ўлчаш схемаси ишлаб чиқилди. Натижада, ковариацион матрицасининг ўртача қийматлари $\sigma_x = 0,005m$, $\sigma_y = 0,003m$, $\sigma_z = 0,009m$, $PDOP=1,75$, Планли $0,012 m$, Баландлик бўйича $0,097m$ ва $\check{Y}KX 0,0016 m$ ҳамда хатоликлар эллипсларининг маълумотлари $a=0,002$, $b=0,001$ ва $A=348^{\circ}40'38'' ShG'$ ни ташкил қилди. Демак, ушбу схемадан фойдаланиб, олиб борилган геодезик ўлчашларда ISHT1 CORS пунктидаги DOP қиймати 1,75 гача аниқлиги ошганлигини кўришимиз мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD26/26.01.2023.Т.109.04
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ АРХИТЕКТУРНО-
СТРОИТЕЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИМЕНИ МИРЗО УЛУГБЕКА**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АРХИТЕКТУРНО-
СТРОИТЕЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ МИРЗО УЛУГБЕКА**

УРОКОВ ОЛИМ АБДИГОФИРОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ИЗМЕРЕНИЯ И ОЦЕНКА
ТОЧНОСТИ ДЕЙСТВУЮЩИХ СПУТНИКОВЫХ
ГОСУДАРСТВЕННЫХ ГЕОДЕЗИЧЕСКИХ СЕТЕЙ (на примере
Самаркандской области)**

11.00.06 – Геодезия. Картография

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд–2025

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2023.2.PhD/T3789.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном архитектурно-строительном университете имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу (www.samdaqu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Суюнов Абдусоли Саматович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Аббасов Субхон Бурхонович
доктор географических наук, профессор

Абдурахмонов Сарвар Нарзуллаевич
доктор философии технических наук, доцент

Ведущая организация:

Каршинский государственный технический университет

Защита диссертации состоится «16» 07 2025 года в 16: 00 часов на заседании Научного совета PhD26/26.01.2023.T.109.04 при Самаркандском государственном архитектурно-строительном университете имени Мирзо Улугбека (Адрес: 140147, г. Самарканд, ул. Лолазор, дом 70. Тел.: (+99866) 237-15-93, факс: (+99866) 237-26-30. E-mail: samdaqu@edu.uz. Самаркандский государственный архитектурно-строительный университет имени Мирзо Улугбека).

Диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного архитектурно-строительного университета имени Мирзо Улугбека (зарегистрирована за №258). (Адрес:140147, г. Самарканд, ул. Лолазор, дом 70. Тел.: (0366) 237-06-06, e-mail: samdaqwarm@edu.uz).

Автореферат диссертации разослан “01” 07. 2025 года.

(реестр протокола рассылки №03 от “01” 07 2025 года).



Д.Ш.Фаилова

Заместитель председателя
научного совета по присуждению
научных степеней, д.ф-м.н.,
профессор

В.Р.Ниязов

Ученый секретарь научного
совета по присуждению научных
степеней, д.ф.т.н. (PhD)

С.Б.Аббасов

Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению научных степеней,
д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мире и в различных его регионах особое значение приобретает развитие спутниковых государственных сетей, повышение качества их картографо-геодезического обеспечения, увеличение достоверности данных и их систематизация. В развитых странах особое внимание уделяется повышению точности геодезических измерений и надежности спутниковых навигационных систем. В связи с этим на 50-й сессии Комитета ООН по использованию космического пространства в мирных целях особо отмечалась необходимость «...разработки моделей деформации территорий с учетом последствий таких бедствий, как землетрясения, с использованием GNSS-технологий и географических информационных систем»³. Также особое внимание уделяется таким важным вопросам, как внедрение в систему геодезических работ современных технологий, основанных на GPS/GNSS спутниковых системах, геоинформационных системах, разработке цифровой и лазерно-электронной измерительной и вычислительной техники и технологий.

В мире приоритетное значение придается научно-исследовательским работам, направленным на создание, совершенствование постоянно действующих спутниковых государственных геодезических сетей, а также разработку новых научно-технических решений для применения оперативных методов и средств высокоточных геодезических измерений. В связи с этим, одной из важных задач является модернизация геодезических сетей и совершенствование методов использования международных спутниковых государственных геодезических сетей на основе исследований, направленных на использование спутниковых геодезических методов при определении координат объектов.

В нашей республике осуществляются масштабные меры по размещению дифференциальных спутниковых геодезических сетей, проектированию станций, постоянно действующих спутниковых государственных геодезических сетей (CORS), применению спутниковых систем при создании государственных геодезических сетей и совершенствованию результатов геодезических измерений. В стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы определены задачи по «внедрению современных технологий дистанционного зондирования и определения с помощью спутниковых технологий»⁴. В реализации этих задач важное значение приобретает проведение научных исследований по применению спутниковых систем при создании государственных геодезических сетей, исследованию методов геодезических измерений, оценке точности постоянно действующих спутниковых государственных геодезических сетей и совершенствованию методов геодезических измерений.

³ https://www.unoosa.org/pdf/reports/ac105/AC105_1022R.pdf

⁴ *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг тараққийёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони*

Данная диссертационная работа в определенной степени способствует выполнению задач, определенных в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-429 от 23 ноября 2022 года «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию космической отрасли» и Постановлении № ПП-2045 от 25 сентября 2013 года «О мерах по реализации инвестиционного проекта создание национальной географической информационной системы», а также в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 1022 от 26 декабря 2017 года «О применении в открытом использовании международных геодезических координатных систем на территории Республики Узбекистан» и других нормативно-правовых актах, относящихся к данной деятельности.

Соответствие приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование соответствует приоритетным направлениям IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий» программы развития науки и технологий Республики.

Степень изученности проблемы. Анализ существующей научной литературы по данной области показывает, что как зарубежные ученые, так и ученые нашей Республики проводили научные исследования по сбору данных спутниковых геодезических сетей, обоснованию методов наблюдения в высокоточных спутниковых геодезических сетях и совершенствованию системы использования высокоточных геодезических измерений. В частности, зарубежные ученые, такие как Hofmann Wellenhof B., H.Lichtenegger, J.B.Collins, C.Ambrotsius, R.N.Haagmans, Y.E.Vermaat, L.Degbegnon, проводили исследования по использованию сетей CORS и ограничению расстояний при использовании GNSS-приемников для мониторинга деформаций. Ученые стран СНГ В.И.Бойков, О.В.Евстафьев, П.С.Закатов, А.П.Герасимов, К.М.Антонович, В.В.Яковлев, А.А.Генике, А.В.Голубев, Л.А.Липатников, Г.Г.Побединский, П.А.Медведов и другие проводили теоретические и экспериментальные исследования точности глобальной спутниковой системы определения местоположения GPS и ее применения в геодезии.

В нашей республике научные исследования по развитию спутниковых государственных геодезических сетей, организации и ведению картографо-геодезического обеспечения проводились И.И.Померанцевым, Д.Д.Гедеоновым, М.П.Вронченко, Т.М.Абдуллаевым, Э.Р.Мирмахмудовым, Д.Ш.Фазилова, В.Р.Ниязовым, Б.О.Абдумуминовым, инженером-геодезистом Республиканского аэрогеодезического центра Самаркандского межрегионального отделения Д.Хусановым и другими местными учеными. В частности, они проводили научные исследования по государственным геодезическим сетям и спутниковым государственным геодезическим сетям и достигли положительных результатов.

На сегодняшний день в нашей стране недостаточно изучены исследования по применению спутниковых систем при создании

